

**SEMANTIC ANALYSIS OF THE APPLICATION OF MILITARY
LEXICAL UNITS IN THE WORK OF CHRISTOPHER MARLOW
“TAMBURLAINE THE GREAT”**

Pulatova Mohichehra Temirovna
Teacher of Bukhara State University
moxito_pulatova@mail.ru

Abstract: The article provides a semantic analysis of the use of military lexical units based on the lexical-semantic use of the phrase "war" in Christopher Marlow's "Tamburlaine the Great".

Keywords: semantic analysis, military lexical units, lexical-semantic

Кириш. Турли даврларга оид бадий асарлардаги лексик таркибни тизимлаштириш лингвистика ва адабиётшунослик соҳасидаги изланишларнинг қизиқарли йўналишидир. Бундай изланишлар ўша давр муаллифининг ўзига хос усулини очиб беришга ёрдам бериши билан бирга тил таракқиётининг турли даврларига хос бўлган ўзгаришлар ва тил тизимларининг хусусиятларини ўрганишга имкон беради. Мазкур мақола илк инглиз адабиёти даврига мансуб бўлган Кристофер Марлонинг “Буюк Темурланг” асарида «war» (уруш) сўзининг лексик-семантик қўлланилишини очиб беришга бағишланади.

Лексик-семантик майдон деганда “марказ-периферия” тамойили асосида ташкил топган ва таркибий қисмлари интеграллик хусусиятларига кўра бир-бири билан боғлиқ бўлган ва одатда марказий лексема билан ифодаланган семантик бирлашма тушунилади. Лексик-семантик майдоннинг чекка қисмларини, яъни периферияси сўзнинг маъно тузилмасининг чегарасида турган мазмунлари билан тўлдирилган бўлади. Марказдан периферияга ўтиш аста-секин, сезилмас ҳолатда бўлганлиги учун ҳам кўпинча марказ ва периферия ўртасида, шунингдек перифериянинг ўзининг алоҳида қисмлари ўртасида аниқ чегара қўйиш қийин кечади. [1, 25]

И.А. Стерниннинг фикрига кўра, майдон ичидаги элементларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ўхшашликка, умумийликка ёки моҳиятан яқинликка (элементлар ўртасидаги синонимик алоқа) асосланган бўлиши ёки мазмун-моҳиятнинг бир-бирига зидлигига (карама-қаршиликка асосланган антонимик номутаносиблик, бир-бирини инкор қилишга) асосланган бўлиши мумкин. [2,

12]

Асосий қисм. Кристофер Марлонинг “Буюк Темурланг” асарда лексик-семантик майдоннинг марказини «war» лексемаси ташкил этади ва асарда 52 марта такрорланган. У билан бирга келган hot, glorious сифатлари унга аниқлик киритади (hot war — шафқатсиз уруш, the glorious name of war — урушнинг шавкатли номи). Бу сўз expedition, god, power сўзлари билан синтагматик алоқада бўлади (the expedition of war — ҳарбий экспедиция, the god of war — уруш худоси, power of war — ҳарбий қудрат). Шу билан бирга «war» лексемаси объект сифатида ҳам кўринади (to bring war — урушни келтириб чиқариш) ва кесим сифатида намоён бўлади (to war against — кимгадир қарши урушмоқ).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, «war» лексемаси билан синтагматик алоқада бўлган лексемалар мазкур асарда салбий маънодан кўра кўпроқ ижобий ёки нейтрал маъноларда келган. Бу ҳолатни XVI асрда яшаган одамларнинг ўзига хос менталитетидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш мумкин, у даврда уруш жамиятнинг табиий ҳолати деб ҳисобланган.

“Буюк Темурланг” пьессасидаги «war» лексик-семантик майдони таркибида куйидаги микромайдонларни ажратиш мумкин: 1) «Military qualities (Жанговор хусусиятлар)»; 2) «Consequences of war (Уруш оқибатлари)»; 3) «Military operations (Ҳарбий ҳаракатлар)»; 4) «Arms (Қурол)»; 5) «Military ranks (Ҳарбий унвонлар)»; 6) «Military formations (Ҳарбий тузилма)».

Булар орасида энг кўп қўлланилгани «Military qualities» бўлиб, у 60 та лексик бирликларда кўзга ташланади: сифат – 32 лексемаларда, от – 28 лексемаларда. Мазкур микромайдонда сифатнинг кўплиги асарнинг мавзуси ва сюжетига боғлиқ, асарда К. Марло тасвирланаётган тарихий давр (XIV-XV вв.)га хос бўлган ҳарбийларнинг ҳаёт тарзи, турмуши, ҳарбий ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради, бу эса китобхонга қаҳрамонлар олдида турган муаммоларни тушунишга, асарнинг сюжетига асос бўлган конфликтнинг моҳиятини тушуниб етишга имкон беради.

К. Марло драмаси воқеалари Шарқда содир бўлсада, муаллиф саркарда ва жангчиларга таъриф берар экан, ўрта асрлар рицарлик маданиятини намуна сифатида олиб, унга хос бўлган хусусиятларни қўллайди. [3, 163] Шунинг учун ҳам микромайдондаги марказий лексемалар сифатида рицарларнинг асосий хусусиятларини таърифлашда қўлланиладиган brave (жасур), valiant (шавкатли), mighty (қудратли), существительные honour (шон), strength (қудрат), courtesy (марҳаматли) лексемалари ишлатилган. Ушбу лексик-семантик микромайдоннинг яқин перифериясига биз синоним лексемалар билан ифодаланадиган ўзакдан келиб чиққан ва юқорида келтирилган сифатларга яқин бўлган сифатларни киритамиз (invincible – енгилмас, puissant – кучли, presumption – ботирлик, valour – жасорат). Микромайдоннинг узоқ

перифериясига эса ўрта аср рицарларида кадрланган сифатларга қарама-қарши бўлган хусусиятларни киритамиз, яъни яқин перифериядаги сўзларга антоним бўлган сифатларни санаб ўтамиз (coward – қўрқоқ, vile – пасткаш, harsh – қўпол, treacherous – хиёнаткорона).

«Military operations» микромайдони 51та лексик бирликда ифодаланиб, булардан 42 таси феъл, 9 таси феълдан ясалган отлардан иборат. Мазкур микромайдонда феъллар сонининг кўплиги асарда у ёки бу ходисани ёритиб беришда воқеани жонлантириш, уни динамик ҳолатда ёритиш учун керак бўлган. Мазкур лексик майдоннинг ўзак элементи to war (жанг қилмоқ, урушмоқ) лексемасидир. «Military operations» микромайдонини кўриб чиқар эканмиз, мазкур микромайдонинг яқин ва узоқ перифериясини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. «Military operations» микромайдонининг яқин перифериясига ўзакка бевосита яқин бўлган лексик бирликлар кириб, улар ўзак билан моҳиятан яқин бўлган сўзлардан ташкил топган.

Бундан ташқари «military operations» микромайдонида моҳиятига кўра ўзакдан анча узоқ бўлган элементлар ҳам кўзга ташланади. Бу ерда умумий тушунча потенциал ёки тахминий семантика сафларига чиқариб қўйилган, бундай бирликлар контекст характериға эға. Яқин периферия синонимлар орқали намоён этилган: to conquer (истило қилмоқ), to win (енгмоқ), to fight (жанг қилмоқ), to tilt (найзаларда олишмоқ).

Уларнинг қўлланилиш соҳаси асосан уруш ҳаракатлари ёки жанг давомида содир бўлган воқеаларни ёритиб бериш билан чекланган (ambush – пистирма, truce – сулҳ, siege – қамал). Мазкур микромайдон элементлари ўзининг аниқ қўлланиш чегараларининг борлиги, бошқа микромайдонлар билан алоқанинг деярли йўқлиги, биқиқлик ва бошқа гуруҳлардаги элементларни ўзига жалб қилишнинг жуда паст даражаси билан характерланади. Мазкур лексик бирликлар кўп сонли бошқа лексик-семантик майдонларда қўлланила олмайди.

Узоқ периферияда биз қуйидаги мазмунли компонентға эға лексемаларни кўришимиз мумкин to win, to take by power (бўйсундирмоқ, куч ёрдамида устунликка, ҳокимиятға эришмоқ): to control (назорат қилмоқ, бошқармоқ), to exceed (устун келмоқ), to triumph over (ғалаба қозонмоқ), to subdue (бўйсундирмоқ).

Ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши характери билан эмоционал-экспрессив-коннотатив компонентға эға лексемалар алоқадор to terrify (дахшатға солмоқ), to dread (қўрқитмоқ), to welter in blood (қонға ботирмоқ), to gaze (вайрон қилмоқ), шунингдек ўхшатиш орқали қуйидаги элементлар ҳам киради to stand against (қаршилиқ кўрсати), to conjoin (қарши бирлашиш).

«Consequenses of war» микромайдониға 38та лексик бирликларни киритамиз. Буларға 22 от, 12 феъл, 4 сифат киради. Бу ерда ўзак элементи – лексема harm (зарар, зиён) лексемасидир, перифериясига кирадиган

элементлар servitude (қуллик), doom (ҳалокат), tears (кўз ёшлари), slaughter (ўлдирмоқ), captive (ҳарбий асир). Перифериядаги барча таркибий қисмларни ягона семантик маъно «ҳарбий ҳаракатлар билан етказилган зарар» билан бирлаштириш мумкин.

«Arms» микромайдони К. Марлонинг «Буюк Тамерлан» пьесасида энг кам сонли майдондир. Унга 26та лексик бирлик- 26та от кирган (spear – найза, sword – қилич, cannon – тўп, slice – ханжар ва б.).

Мазкур микромайдоннинг ўзак элементи arms (қурол) лексемасидир. Бу микромайдоннинг перифериясига қуроллар ва уларнинг қисмларини ифодаловчи лексемаларни киритиш мумкин: armour (совут), brigandine (зирх), шунингдек жанг олиб боришда ёрдамчи ашёларни ифодаловчи лексик бирликлар, жумладан – ҳаракат қоситалари: chariot (жанг араваси), galley (галера), steed (от), ҳимоя қурилмалари – trench (ҳандақ), turret (тўпотар минора)ни ҳам киритиш мумкин. Мазкур микромайдон лексикасининг семантик таҳлили лексемалар орасидаги боғлиқликларни аниқлаштириб беради.

«Military ranks» микромайдонига отлардан таркиб топган 13та лексема киради. Мазкур микромайдоннинг ўзагини warrior (жангчи) лексемаси ташкил этади. Периферия элементларига жангчилар иерархиясига тегишли бўлган ёки қўшин турига боғлиқ бўлган жанговар лавозимларни киритиш мумкин, масалан, soldier (аскар), captain (капитан), general-lieutenant (генерал-лейтенант), commander (қўмондон), legate (саркарданинг ноиб), counselor (маслаҳатчи), marshal (маршал), knight (рицар), guard (қўриқчи), shot (ўқотар), footman (пиёда), seaman (денгизчи), janissary (янычар) кабилар.

Яна бир микромайдонни жанговар бирликлар ва қўшин турлари номлари ташкил этади (Military formations), унинг таркибига 8та лексема киради. Ўзак элемент сифатида «army» (армия) лексемасини ажратиш мумкин, периферияни эса жанговар таркиб, қўшин қисмлари номланишидан иборат атамалар ташкил қилади: chivalry (рицарлик), troop (қўшин), camp (ҳарбий лагер), garrison (гарнизон), legion (легион), steeds (отлиқ қўшин), rifle (пиёда ёки ўқчилар полки). Бу микромайдон элементлари орасидаги асосий алоқа уларнинг бир оилага мансублигидир.

Кристофер Марлонинг «Буюк Тамерлан» асаридаги «war» лексик-семантик майдонида келтирилган лексик бирликлар XVI аср лексикасининг ўзига хос томонларини акс эттиради ва ҳозирги замондаги инглиз тилида бўладиган шу мазмундаги лексик-семантик майдон моҳиятидан фарқ қилади. Марлонинг «Буюк Тамерлан» асаридаги «war» лексик-семантик майдонининг этимологик таҳлили шуни кўрсатадики, эски инглиз луҳатидан 37та лексик бирлик, французлардан кирган сўзлардан 95та лексик бирлик, латин сўзларидан 17та лексик бирлик, скандинав сўзларидан 6та лексик бирлик ишлатилган. Француз лексикасининг сон жиҳатдан устунлиги тарихий

факторлар билан изоҳланиши мумкин. Англиянинг Норманлар томонидан ишғол қилиниши ўша даврларда француз тилининг инглиз ҳарбий терминологиясига таъсир этишига олиб келган эди. Шунингдек ўша давр адабий қоидаларига кўра бадий асарда синоним сўзлар ишлатилган ҳолларда француз сўзлари устун кўрилар ва француз атамалари нафис деб ҳисобланар эди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Кристофер Марлонинг «Буюк Темурланг» асаридаги «*waг*» лексик-семантик майдони бта микромайдондан иборат бўлиб, кўп қисми роман тилларидан олинган лексемалардан ташкил топган мураккаб майдондир. Асарда ишлатилган ҳарбий лексик бирликларнинг асосий вазифаси бош қаҳрамонлар образи ҳамда асардаги воқеалар содир бўлаётган майдонни яратишдан иборатдир. Асардаги «*waг*» лексик-семантик майдонининг семантик таҳлили ўрта асрлар цивилизацияси – урушлар цивилизацияси эканлиги тўғрисидаги фарзани тасдиқлаб беради. Бу даврда жамият ҳаётининг нормал ҳолати деб тинчлик эмас, балки даҳшатлар, азобларга тўла уруш ҳолати ҳисобланганлиги, жангларда зафар қозонган ҳукмдоргина яхши ҳукмдор деб ҳисобланганлигини тушуниб олиш мумкин. Уруш ўлжаларга эга бўлиш имкони бўлиши билан бирга, унга саркардага доврқ қозониши ҳамда тарихда ном қолдириши учун имкон берадиган восита деб қаралган. Бадий асарлар лексик-семантик майдонларининг ўрганилиши долзарб аҳамиятга эга, чунки тадқиқот давомида тизимлаштирилган ва ўрганилган лексик бирликлар луғат бойлигини оширишга, тили ўрганилаётган мамлакат тўғрисидаги лингвистик ва маданияшунослик борасидаги билимларини ҳам оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адмони В.Г. О синтаксической семантике как семантике синтаксических структур // Серия литературы и языка. Москва, 1979. № 1. 24-35с.
2. Стернин И.А. Лексическое значение и энциклопедическое знание // Аспекты лексического значения. Воронеж, 1984. 156 с.
3. Пучкова И.Н. Филологические науки. Вопросы теории и практики, № 2 2015. 162–163 с
4. Christopher Marlow. Tamburlaine the Great. - London: Dover Publication, 2002. 128 p.